

# OZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI SIYOSIY-IJTIMOIIY GAZETASI

Ислон КАРИМОВ:

Лекин мен факатгина бугун эмас, олдидан ҳам — давлат раҳбари бўлганимдан бери хамюртларимизга қарата, эй, ватандошларим, огоҳ бўлинглар, терроризм хатари, бу қора куч бошимизда бало-қазо бўлиб, ўзининг манфур ниятларига етиш учун қурол ва куч тўплаб, ханжарини ишга солишга ҳар лаҳзада шай турибди, деб даъват этиб келганимни, бу дахшатли куч остонамиз олдидан турганини бугун ҳам такрор-такрор айтишни ўз бурчим деб биламан.

(Ўзбекистон Республикаси Президенти Баёнотидан)

# OVOZI

2001 YIL 27 OKTABR ♦ SHANBA ♦ № 127 (26.829)

## ЁВУЗЛИККА ЎРИН ЙЎҚ

Тинчлик кадрини халқимиз чуқур ҳис қиляпти. Президентимизнинг тинчликни сақлаш, халқаро терроризмга қарши курашга даъватлари энг аввало хамюртларимиз калбида ўз аксини топди. Ким бўлишидан қатъи назар — раҳбарми, тадбиркорми, дехқонми, талабами — бу борада ўз фикри бор.

### ТИНЧ ЎЛКАГА ТҮЙЛАР ЯРАШАДИ

— Пахтакорларимизнинг йил давомида қилган меҳнатлари ўз самарасини берди, уюшма-мизда пахта тайёрлаш бўйича шартнома топириқлари ошиги билан бажарилди. Айни дамларда қишлоғимизда тўйлар мавсуми бошланди. Ана шу давраларда кўпроқ суҳбат мавзуи АҚШнинг террор-га қарши ҳаракатлари ҳақида бўлмоқда. Хамюртларимизнинг фикри содда ва аниқ: юрт тинч, меҳнат қиляпти. Тинч ўлкага тўйлар ярашади. Дастурхон атрофида бафуржа чой ҳўплаб, гурунглашиб ўтириб-миз. Террор эса тинчликнинг душмани. Душмани йўқ қилиш лозим, таг-томири билан кўпориб ташлаш керак.

■ **Мақсуд ҚАБУЛОВ**, Эллаққалба туманидаги «Дўстлик» фермер уюшмаси раиси.

### ХАЛҚ ЖУНБУШДА

АҚШда содир этилган террорчилик ҳаракатидан нафақат уммон орти мамлақати, балки бутун дунё халқи жунбушга келди.

Террор нималигини яхши биламан. Сурхондарё вилоятининг Сароисиё ва Узун туманлари тоғларида содир этилган террорчилик ҳаракатларига қарши курашда эндигина йигирма тўрт баҳорни қаршилаган жондан азиз ўғлим Сайёржон жон берди. Лекин у Ватан ва халқи учун жонини фидо қилди. Бундан фахрланаман.

Республикамиз Президенти Ислон Каримовнинг Баёнотидаги: «Икки-уч йилдирки, халқимиз террорчи газандаларнинг жабрини тортиб келаяпти, уларга қарши курашда қанча фарзандларимиз қурбон бўлди. Мана шундай дамларда ким бизга ёрдам берапти?» жумаларини ўқиб қўлимга қалам олдим. Террорчиларга қарши бугун жаҳон курашиши керак!

Биз тинчлик учун Президентимиз билан ҳаммиша биргамиз. Террорчиларга шафқат йўқ.

■ **Ровияхон САЪДИНОВА**, Самарқанд шахри.

### ТЕРРОРИЗМ — ТАРАҚҚИЁТ ДУШМАНИ

Кеча шу мавзудаги очик партия йиғилиши Тошкент шаҳридаги «Юлдуз» ҳиссасдорлик жамиятида бўлиб ўтди.



Маърузачи — «Юлдуз» ҳиссасдорлик жамияти Ўзбекистон ХДП бошланғич ташкилоти котиби Тоҳир Собитов ҳамда мазкур жамоа касаба уюшма кўмитаси раиси Қумри Маҳмудова, корхона хизматчиси Фотимахон Маҳмудова ўз чиқишларида халқаро террорчиларнинг шу йилнинг 11 сентябрида Америка

### ОСУДАЛИККА НЕ ЕТСИН?

— Биз кексаларга нима керак? Оиламиз, болаларимиз тинч бўлса, набираларимиз қуршовида қулларимиз осуда ўтса, бундан ортик бахт борми? Аммо террордан кимларнингдир жабр кўриши ҳақида ўйлашнинг ўзи дахшат. Бир зум ичида минглаб одамлар олов ичида қолгани, океан ортида юз берган гайринисоний воқеадан қалблар жунбушга келди.

Ойнаи жаҳон, матбуот орқали Афғонистонда уя қуриб олган террорчиларга қарши олиб борилаётган ҳаракатларни кузатиб, дунёга ёмонлик уруғини сочишга интилаётган кимсаларнинг жазоси шу, дейман. Фарзандларимни ҳам огоҳликка чақираман, уларнинг теран фикрларидан, мамлақатимизда тинчликни сақлаш учун қилинаётган ишларни чуқур аниқлашларидан қувонаман.

■ **Мерям САПАРОВА**, пенсионер, Тўрткўл тумани.

### «ЕРГА КИРИТИБ ЮБОРАДИМ»

— Мен курашчман. Курашнинг мақсали ҳалоллик, танани чиниқтириш. У номардликни, гирром ва олифталикни ёқтирмайди. Ожиз одам кураш тушолмайди. Мен террорни ана шундай номард ва ожиз деб биламан. Номард бўлмаса майдонга мард бўлиб чиқадил-ла! Ожиз бўлмаса бегуноҳ одамларни, иморатларни портлатаймиз? Пана-пастқам жойларда, қоронғи тунларда биқиниб олиб, ҳар замонда чағнага ўхшаб бир чақиб қўядиганлар, албатта, номард ва ожиз бўлмай ким!

Бутун дунё бўйлаб терроризмга қарши кураш олиб борилаётган экан бу эзгулик ҳаракатига биз ҳам тарафдоримиз. Мухтарам юртбошимиз Ўзбекистон давлатининг бу борадаги позициясини аниқ-тиниқ қилиб баёнот бердилар. Ҳақиқатан ҳам ёвузликка имкон яратиб бераётган афғон туپроғидаги терроризм тарафдорларини йўқ қилиш учун бошланган ҳаракатни эзгулик учун кураш деб биламан. Ҳамиша халқ омонлиги, одамлар тинчлигини ўйлаб келган ҳукуматимизнинг бу курашда четда турмаслиги табиий ҳолдир. Кимки бугун терроризмга қарши курашда четда турса, у терроризм тарафдори бўлиб чиқмайди!

Афуски, террорчи номард-ла. Йўқса, уни кураш майдонига чақириб курдагини ерга теккизардим. Йўқ, даст кўтариб уриб ер тагига киритворардим.

■ **Дилшод МАНСУРОВ**, ўсмирлар олимпиадаси ва ёшлар ўртасидаги жаҳон чемпиони, Осиё беллашувлари голиби



КУЗ ОҲАНГЛАРИ

Владимир ПАНОВ олган суратлар

## АНДИЖОН: ПАХТАСИ ЭРТАКИ, БУҒДОЙИ СЕРҲОСИЛ

«ҲОСИЛ БАЙРАМИ» ДАН РЕПОРТАЖ

Андижонлик миришкор деҳқонлар учун қувончли кунлар келди. Муस्ताқил мамлақатимиз деҳқончилиги тарихида мисли кўрилмаган натижага эришилди. Она-Ватан хирмонига 382 минг тоннадан зиёд пахта топирилди. Ҳосилдорлик 35 центнердан бўлди. Фолиларни Юртбошимиз қутлади. Шундан кейин далаларда ҳосил учун йиғим-терим ишлари янада жадаллади.

Андижонда олти йилдирки мўл ва эртаки пахта етиштиришда илғор тажриба қўлланиляпти. Чигитни барвақт плёнка остига экиш усули ибрат мактаби бўлиб қолди. Бу йилнинг март ойида юз фоиз ерга плёнка остига чигит экилди. Ниҳоллар парваришланиб, агротехника такомиллаштириб борилди. Ҳали ёз ойдаёқ пахта йиғим-терими бошланди. Эгитлардаги гўзалардан «оқ олтин» тошди. Йиллик режа ўтган йилга қараганда 11 кун аввал — 14 сентябрда бажарилди. Асақалиқлар биринчи, олтинқўлликлар иккинчи, андижонликлар учинчи бўлиб маррага етишди. Шаҳрихон, Марҳамат, Булоқбоши, Избоскан, Балиқчи, Пахтаобод, Жалақудуқ, Хўжаобод, Қўрғонтепа, Бўз, Улугнор туманлари етакчилар гаторида бўлишди.

Пиллакорларнинг эришган натижалари ҳам пахтакорлардан қолшмайди. Режа 127 фоизга етгани бунинг тасдиғи. Ғаллакорлар эса 74 минг гектар майдонга барака уруғи сочиб, 72,4 центнердан дон олишга эришдилар. 31 миллиард сўм даромад қилинди.

Андижонда катта тўй. Аъянага кўра юртнинг дондўр пахтақору ғаллақору ва пиллақорулари, боғбону мутахассислари Андижоннинг энг кўркем гўшаси — Навоий номли марказий боққа қорланди. Миришкорларни Андижондаги агросаноат корхоналарининг жамоа вакиллари ҳуштовозлик билан қутиб олиб, тўрга-ўтказдилар. Ҳамманинг кўнглида қувонч, бир-бирини голиблик билан қутлаш, табриқлар, карнай-сурнайларнинг садоси кўнглиларга шуқуқ бахш этди.

Замонавий амфитеатр илғорлар билан тўлди. Вилоят ҳокими Қобилжон Обидов ҳосил тўйи билан ҳаммани қутлади. Эънинг ардоқли шоири Абдулла Орипов андижонликларга эзгу тилақлар билдилди.

«Табиаат ҳам саҳийлик билан қуёш нурини сочди. Катта боғнинг кўрки ўзгача фаиз таратди. Шундай пайтда Улугнор туманининг М. Иминов номли ширкат хўжалиғи раҳбари Ҳасановий Фозиллов кўнгли очди.

— Сарсонкумининг бағрида пахта етиштирганимиз машаққати бутун чиқиб кетди. Кўнгилларимиз қувончга тўлди. Қисқаси, ҳосил байрамиде деҳқонларнинг кўнгли шодланди. Илғор пахтақору ғаллақорулар, комбайнчиларга қимматбаҳо совғалар улашилди. Вилоят ҳокимлигининг фахрий ёрлиқлари топирилди.

■ **Норбобо ШАКАРОВ**, Аҳмадилло СОЛИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбирлари

### НУКУСДА УЧИНЧИ ХАЛҚАРО ТУРНИР

Юртимизда спортга, хусусан миллий спорт турларига қизиқиш ортиб бормоқда. Яқинда Термизда Ал-Ҳаким ат-Термизий хотира турнири юқори савияда ўтказилган эди. Бугун эса қорақалпоқ диёри полвонларни қорламоқда. Нукус шаҳрида кураш бўйича «Президент соврини» учун аъянавий учинчи халқаро турнир бошланади. Турнирни Халқаро кураш ассоциацияси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, Ўзбекистон Жисмоний тарбия ва спорт кўмитаси ҳамда Кураш Миллий федерацияси ҳамкорликда ташкил этди. Унда дунёнинг 10 дан зиёд давлатларидан полвонлар иштирок этиши кутилмоқда. Эрақалар мутлак вазн тоифасида беллашсалар, аёллар эса 48-63 кг. вазн тоифасида гиламга тушилади.

«Жар» спорт мажмуида Халқаро кураш ассоциацияси мутасаддилари ва журналистлар иштирокида бўлиб ўтган йиғилишда курашнинг доврўғи тобора ошиб бораётганлиги, миллий федерациялар ташкил этиш учун қатор давлатлардан таклифлар тушаётганлиги, умуман дунёда «Ўзбек кураши» атамаси янада баландроқ жаранглаётганлиги хусусидаги мулоҳазалар билдилди.

Ҳа, нукуслик кураш ишқибозлари икки кун давомида қизгин беллашувларнинг гувоҳи бўлишди. Умид қиламизки, бу халқаро турнир юртдошларимиз ва хорижликларда унутилмас таасурот қолдиради.

■ **Матназор ЭЛМУРОДОВ**, «Ўзбекистон овози» мухбири

## ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ: МУАММО ВА ЁШЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида Конрад Аденауэр жамғармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Иқбол» ёшлар маркази ҳамда «Фидойи ёшлар» клуби ҳамкорлигида ташкил этилган семинар ўз ишини якунлади. «Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари — фуқаролик жамияти барпо этиш асоси. Қишлоқдаги ислохотларни янада ривожлантиришда ёшларнинг иштироки» мавзусидаги мазкур семинарда Ўзбекистон Халқ демократик партияси қошидаги «Истикбол» ёшлар клуби аъзолари, шунингдек, олий ўқув юртлирининг ёшлар ташкилотлари вакиллари ҳам иштирок этишди. Катнашчилар икки кун давомида «Парламентни ислохот этиш — Ўзбекистонда демократияни янада юксалтиришнинг янги босқичи», «Ёшлар нодавлат ташкилотлари фаолияти тажрибаларидан», «Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари ишида ёшларнинг иштирок этиши» каби мавзуларда мутахассисларнинг маърузаларини тинглаш билан бирга ушбу долзарб муаммолар хусусида ўз фикр ва қарашларини билдилди. Қизгин баҳс-мунозараларга сабаб бўлган мавзулардан ташқари, бугунги кунда ёшлар олдиде турган муаммоларнинг ечимини топиш учун аниқ тадбирлар ишлаб чиқиш, шунингдек, ёшларнинг жамиятда тутган ўрнини ошириш каби масалаларда ҳам жонли мулоқотлар бўлди. Умуман, мазкур семинар айни пайтда ёшларнинг янада изчилроқ ҳаракат қилиши билан бир қаторда ёшлар ташкилотларининг ўз фаолиятларини нималарга қаратиш зарурлигини белгилаб олишларига туртки бўлди дейиш мумкин.

■ (Ўз мухбиримиз)

### ЁЛҒОН ХАБАР

Германиянинг Франкфурт шаҳридаги биржага портловчи мослама ўрнатилгани тўғрисидаги хабар ёлғон бўлиб чиқди. Полиция вакиллари айтишича, номаълум шахс телефон орқали биржа биносида портлаш юз беришини маълум қилган, барча ходимлар хавфсиз жойга қўйрилган, савдо эса тўхтатиб қўйилган. Биржа вакилларининг айтишича, мазкур кўнгилсизлик биржанинг ишига таъсир қилмаган, негаки, олди-берди жараёни электрон алоқа воситасида давом этган.



### ҚОНУН ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН КУН

Кеча Австрияда миллий байрам — бетарафлик тўғрисидаги қонун қабул қилинган кун нишонланди. 1955 йил 26 октябрь кун Австрияда бетарафлик эълон қилиши тўғрисидаги қонун қабул қилинган ва ўн йил ўтгач бу кун миллий байрам сифатида нишонлана бошлаган.

### АГАР ЁРДАМ БЕРИЛМАСА...


Агар Анголага зудлик билан озиқ-овқат ва дори-дармон келтирилмаса, мамлақатнинг бир миллиондан ортик фуқароси очлик ва касалликлар туфайли ҳаётдан кўз юмиши мумкин. Анголанинг мамлақатда тинчлик ўрнатиш бўйича идораларро кўмитаси тарқатган баёнонда айтилишича, УНИТА ҳаракати назоратидаги ҳудудлардан қочиб келган 560 минг одам очлик-ва касалликлардан азоб чекмоқда. Уларнинг ҳаёти тўлалигича инсонпарварлик ёрдами келиш-келмаслигига боғлиқ бўлиб қолган.

### BU DUNYONING ISHLARI

### МАШҚЛАР НИҲОЯСИГА ЕТДИ

Мисрда халқаро харбий машқларнинг қуруқликдаги қисми ниҳоясига етди. Миср, АҚШ, Буюк Британия, ГФР, Франция, Италия, Испания, Греция, Иордания ва Кувайтдан келган 70 мингдан ортик аскар иштирок этаётган бу машқларда кўп миллатли кучларнинг хатти-ҳаракатини уйғунлаштириш ва биргаликда тинчликпарварлик операцияларини амалга ошириш усуллари кўриб чиқилди.

### САМОЛЁТ ОРТГА ҚАЙТАРИЛДИ



Буюк Британиянинг «Гу» авиакомпаниясига қарашли «Боинг 737-300» русумли самолёт бир неча дақиқа давомида Франциянинг қирувчи самолётлари томонидан қузатиб борилди. Маълум бўлишича, Испаниянинг Малага шаҳридан Лондонга учаетган самолёт Франция ҳудудида қирғанида тўсатдан ердаги ҳаво ҳаракатини бошқариш хизматлари билан алоқа узилган. Самолёт террорчилар томонидан қўлга олинди, деб гўмон қилган француз ҳарбийлари «Мираж» русумли қирувчи самолётни осмонга кўтаришга қарор қилган. Орадан бир неча дақиқа ўтиб «Боинг» билан ердаги тегишли хизматлар ўртасида алоқа тикланган ва харбий самолёт ортга қайтарилган.

«ЎЗБЕКISTON ОВОЗИ» — АХБОРОТ, ФИКР, ТАФАККУР ТАРАФДОРИ!  
«ЎЗБЕКISTON ОВОЗИ»ГА ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА!

НАШРЛАРИМИЗ ИНДЕКСИ:  
«Ўзбекистон овози» — 220  
«Голос Узбекистана» — 121

ОШБОП СУРХОН ГУРУЧИ

Амударё қирғоқларига тумаш Музробод туманининг «Бешкўтон» ширкат ҳужалиги ва «Меҳнат-роҳат» хусусий корхонасининг шолукорлари маррага эришдилар. Қариб 9900 тонна юқори сифатли шолу хирмони бунёд этилди. Бу нашжа ўтган йилги кўрсаткичга нисбатан минг тонна кўпдир.

— Меҳнат қилган кам бўлмади, — дейди донгдор тадбиркор Қурбон Амиркулов, — гектардан 70-75 центнердан шолу етиштирилди.

Ҳа, тажрибали деҳқонлар йилдан-йил юқори ҳосил етиштириш, шу орқали ларомадага яраша буромад кўришни яхши англашмоқда. Шолу етиштириш бўйича йиллик режа урдаланди, яна қўшимча 6 минг тонна «қирмизи дон» ҳосили олишга ҳаракат қилинмоқда.

■ Абдураҳул ЖУМАҚУЛ, «Ўзбекистон овози» мухбири

ҲОЙДАЛИ МУЛОҚОТ

Сирдарё вилояти марказий банкда тижорат банклари томонидан бюджетдан ташқари жамғармалар ҳисобидан яқка тартибдаги тадбиркорлар, кичик ва ўрта бизнес субъектларини кредитлаш мумкинлигини тезлик билан ҳал этишга бағишланган семинар-кеңаш бўлиб ўтди. Мазкур соҳаларни тез суръатлар билан ривожлантириш, яқка тартибдаги тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни виллоят иқтисодининг таянч ус-

■ Абдуҷалил УМАРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

ЖЕНЕВА СОВРИНИ ПАХТАКОРЛИКЛАРДА

Пахтакор туманидаги пахта тозалаш корхонаси жамоасига Швейцариядан хушхабар келди. Унда таъкидланишича, корхона томонидан юборилган пахта толасининг пишиқлиги ва узунлиги халқаро талабга тўла жавоб бергани боис, «Юқори сифат учун халқаро Женева-2001» конвенциясининг махсус совринини кулга киритди. Авваллари ҳам жамоа ағли Франция, Германия, Россия давлатларидан миннатдорчилик хатларини олишган.

— Бу йилги ҳосилнинг 10 минг тоннасини қайта ишлаб бўлдиқ, — дейди корхона директори Абдулҳамид Алиев. — Ундан 3 минг 300 тонна тола олдик. Бу 33 фоиз тола дегани. Утган йилнинг шу даврига нисбатан 1,5 фоиз ўсишга эришдик. Мақсадимиз сифат кўрсаткичини пасайтирмай, тола олиш миқдорини кўпайтиришга қаратилган. Утган йилги 250 тонна хомашё иқтисод қилганим эди. Жорий йилда эса бу кўрсаткичини камида 300 тоннага етказиш ниятидамыз.

■ Абдуғани СОДИҚОВ



ФРОНТ ОРТИ ҲАРАКАТИ

Афғонистонда бўлаётган бомбардимонлар билан бир қаторда жаҳон жамоатчилиги диққатни бугун кўпроқ фронт орти масаласига ҳам қаратмоқда. Ва бу масала ҳақиқатда ушбу мамлакатнинг келажакдаги мавқеини белгилайдиган муаммо.

Ҳозирча Афғонистонда коалицион ҳукумат тузиш режаси ҳеч қандай, асосан афғонларнинг ўзида ҳам қаршилик туғдирилган йўқ. Ушбу ҳукуматта кўпроқ этник гуруҳларни ташкил этувчи вакиллар кирди. Собиқ президент Раббоний қўяётган талаблардан бири бу ҳукуматда террорчиликка асосланган толиблар вакилига жой бўлмаслиги керак. АҚШ бу борада толибларнинг янги, яъни халқаро метёрлар билан муроасага борувчи вакилларини топиш эҳтимолини назарда тутмоқда.

Ҳозир ушбу коалицион ҳукумат ва афғон қабилалари вакиллари кирган Олий кенгаш ташкил топиши ҳақидаги қарарларга ана бир муаммо — ҳукумат раҳбарлигига қимми қўйиш масаласи ҳам қўшилган. Бу борада кўплар мамлакатнинг собиқ шоҳи Зоҳир Шоҳ номзодини кўрсатишяпти. Бироқ Зоҳир Шоҳ 40 йилдан ортиқ муҳожириликда яшаган, бу ҳолатнинг афғонлар томонидан қандай қабул қилиниши номаълум.


КУЧМА УЗР СЎРАДИ

Россиянинг «Сибирь» авиакомпаниясига қарашли ТУ-154 самолёти айнан Украина ҳарбийлари уриб машғулот пайтида учирган СС-200 ракетаи билан уриб туширилганлиги президент Кучма томонидан расман эътироф этилди. Кучма фожида асосий қўрбонларни ташкил этган Исроил ҳукумати ва Россия Федерациясидан ушбу кўпол хато учун кечирим сўради. Ҳалок бўлган йўловчиларнинг оила аъзоларига ҳамдардлик билдирди. Шунингдек, Украина мудофаа вазири Александр Кузмуқнинг ишдан бўшаш учун ёзган аризаси инобатта олинди.

«КУРСК» ҲАЛОКАТИНИНГ ТАХМИНЛАРИ

Ўтган йили номаълум сабабларга қўра ҳалокатга йўлиққан «Курск» сувести атом кемаси ниҳоят денгиз юзига чиқарилди. Ушбу операция давомидаги асосий хавотир — кемадаги «Гранит» русумидаги 22 та ракетага портлаш чоғида зиён-заҳмат етмаганлигига амин бўлинди. Ҳалокат сабабларини аёнлаштириш борасида мутахассислар «Курск»ни юзга чиқариш барибир портлаш сабабини юз фоиз очиб бермади, дейишмоқда. Бунинг учун «Курск»нинг сувестида қолган учки қисмини ҳам чиқариш зарур экан. Ҳалокат сабаби ҳақидаги тахминлар қаторида Би-Би-Сининг маълумот беришича, Россиянинг бошқа бир ҳарбий кемасидан берилган зарба ҳам бўлиши мумкин, деган фараз бор. Бироқ бу фаразни Россия рад этмоқда.

Ҳозирда «Курск» бўлимлигини сувдан тозалаш ишлари амалга оширилмоқда.



Advertisement for 'XUSUSIY FIRMA' featuring a tractor and tires. Text includes: «ХУСУСИЙ ФИРМА», Кишлоқ ҳўжалиги тракторлари ва юк автомобилларининг аккумуляторлари, шиналари ва эҳтиёт қисмларини Тошкентдаги омборларидан сотади. Барча товарларни ўша жойда бемалол кўриш мумкин. Манзил: Тошкент шаҳар, Усмон Носир кўчаси, 130-уй. «Хосилот» меҳмонхонаси қаршида.

ЎЗБЕКИСТОН ХДП МК СИЁСИЙ ИЖРОКЎМИ ҚАРОРИ АСОСИДА

ХДП Қўшқўпир туман кенгаши, республика Президенти И. А. Каримовнинг 2001 йил 5 октябрдаги Баёниҳи ҳамда Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги мухбири билан суҳбатда илгари сурилган гоғларни қўллаб-қувватлаш, белгиланган вазифаларни адо этиш масалаларига бағишланган йилгилиш ўтказди. Унда туман ҳокимлиги, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари вакиллари, халқ таълими ходимлари, кишлоқ фуқаролар йилгилилари раислари, партия фаоллари иштирок этдилар.

Мазкур тумандаги «Тошкент» ширкат ҳўжалигида ва қатор бошқа бошланғич партия ташкилотларида, «Терроризм — тараққиёт душмани» мавзусида очик партия йилгилишлари бўлиб ўтди.

Шунингдек, Жондор туман халқ таълими бўлими ходимлари, Кува тумани пахта тозалаш ҳиссадорлик жамияти, Бобўт тумани «Тараққиёт» ширкат ҳўжалиги ва Фуқрат тумани «Дўстлик» ширкат ҳўжаликларида ўтказилган БПТ йилгилишларида, партия МК Сиёсий ижрока қўмитасининг, «Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши»нинг «Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов бошчилигидаги мамлакат раҳбариятининг халқаро терроризмга биргаликда қарши курашишни ташкил этишга қаратилган сиёсий йўли ва амалий ҳаракатларини қўллаб-қувватлаш юзасидан тадбирлари ҳақидаги қарорнинг ижросини таъминлаш масаласи муҳокама этилди.

ХДП Анджон туман кенгаши бошланғич партия ташкилотлари котиблари йилгилишини ўтказди. Унда ишлаб чиқилган тавсиялар асосида, тумандаги барча партия тузилмаларида, «Терроризм — тараққиёт душмани» мавзусида очик партия йилгилишлари бўлиб ўтмоқда. Улардан бири «Ербоши» худудий бошланғич партия ташкилотларида ўтди.

Косонсой туманидаги «Пахта толаси» ҳиссадорлик жамиятида, ХДП Косонсой туман кенгаши ва туман ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари маъсул ходимлари иштирокида терроризм, ақидапарастлик ва гийёвандлик каби иллатлар масалаларига бағишланган учрашув бўлиб ўтди.

Ўзбекистон ХДП Тўртқўл туман кенгаши А. Дурдиев номли туман деҳқон ва фермерлар ҳўжаликлари учошмасида «Тинчлик учун курашмоқ керак» мавзусида «давра суҳбати» ташкил этди. Сўзга чиққан ХДП Тўртқўл туман кенгаши биринчи котиби Х. Ибодуллаев, туман ички ишлар бўлимининг бошлиги И. Сержанов ва туман прокурори Ф. Нуритдинов, маҳалла фуқаролар йилгилилари раислари — А. Адакаева ва Я. Илманоовлар Афғонистондаги воқеалар, минтақадаги вазият, Ўзбекистон Республикасининг терроризмга қарши кураш бўйича позициясига кенг тўхталиб, фуқароларни огоҳликка чақирдилар ва тинчлик йўлида ҳеч қим четда туриши мумкин эмаслигини таъкидладилар.

Собир Раҳимов туманидаги И. Охунбоев номли Бош кийимлар фабрикаси ҳиссадорлик жамияти, туман санитария ва эпидемиология бўлими, қатор билым юртлари, «Билым-нон» корхонаси, 32-оилавий шифохона, «Университет», «Зиё», «Беруний» номли маҳаллалар, Сергели туманидаги «12-автопарк», «Санот-қурилиш банки», «Баҳор», «Еркин ҳаёт», «Ҳабибий» маҳаллалари, Шайхонтоҳур туманидаги халқ таълими ва тиббиёт муассасалари, «Шарқ гули», «Малика», «ЛИТИ» ҳиссадорлик жамиятлари, Ўзбек Миллий академик драма театри, Абдулла Қаҳҳор номлидаги Сатират театри бошланғич партия ташкилотлари ҳамда ХДПнинг жойларда кўплаб куйи бўғинларида «Терроризм — тараққиёт душмани» мавзусида очик партия йилгилишлари бўлиб ўтди.

Данғара туманидаги Пишқарон ва Муқимий номли маҳалла худудий бошланғич партия ташкилотларида, дин ва сиёсийлашган диний оқимлар ўртасидаги фарқлар тўғрисида ХДП Данғара туман кенгашининг биринчи котиби З. Хамраева, «Нуроний» жамғармаси туман бўлими раиси Б. Мақ-

мурдов, туман имом-хатиби Абду-салоом ҳожи Юсупов иштирокида мулоқотлар бўлиб ўтди.

ХДП Чуст туман кенгашининг тарғибот гуруҳи аъзолари томонидан «Сувмаш», туман санитария ва эпидемиология бўлими, маданият бўлими бошланғич партия ташкилотларида ташкил-лаштирилган мулоқотларнинг мавзуси Афғонистондаги воқеалар, ақидеитарор ҳаракати мазмун-моҳияти ва буларга Ўзбекистон Республикасининг муносабати тўғрисидаги масалаларга бағишланди.

ХДП Ўзбекистон туман кенгаши эса, «Маҳалла» жамғармаси ва «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг туман бўлимлари билан ҳамкорликда маҳаллаларда шу куннинг долзарб масалалари — терроризм, диний ақидаларастлик, гийёвандлик каби иллатларга қарши курашиш масалаларига бағишланган учрашувлар ўтказди.

«Терроризм — тараққиёт душмани» мавзусидаги очик партия йилгилишлари Бобўт тумани «Тараққиёт» ширкатлар учошмаси, қатор билым юртлари бошланғич партия ташкилотларида ҳам бўлиб ўтди.

ХДП Фарғона вилоят кенгашида, 2002 йил обунаси масалаларига бағишланган партия фаоллари йилгилиши ўтди. Мажлисида обуна мавзусини уюшқоқлик билан ўтказиш юзасидан тадбирлар ишлаб чиқилди. «Ўзбекистон ово-

зи» — «Голос Узбекистана» газеталари ҳамда «Мулоқот» журналига обунани юқори савияда ташкил этган партия ташкилотлари, партия аъзолари учун рағбатлантувчи мукофотлар белгиланди. Йилгилишда «Ўзбекистон овози» газетаси бош муҳаррирининг биринчи ўринбосари Н. Шакарлов иштирок этди.

ХДП Буйдага туман кенгаши аъзоси, туман кишлоқ ҳўжалик касб-хўнар коллежи директори Ҳадяхон Умарова ташаббуси билан мазкур коллеж ўқувчилари ва ўқитувчилари ўртасида «Ўзбекистон овози» — ахборот, фикр, тафаккур тарафдори! мавзусидаги «давра суҳбати» ташкил этилди. Натияжада, бу ўқув даргоҳида 20 дан ортиқ партия аъзолари партия бош наشريга обуна бўлидилар.

Маданий-маърифий тадбирлар Темурийлар тарихи давлат музейининг беш йилги муносабати билан музей раҳбарияти ва Ўзбекистон ХДП Юнусобод туман кенгаши, «Ўзбекракс» бирлашмаси ҳамкорлигида «Тарихимиз дурдонаси», деб номланган маданий-маърифий тадбир бўлиб ўтди. Унга Акмал Икромов, Сергели, Бектемир туман кенгашлари партия фаоллари тақлиф қилиндилар.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси фан арбоби, Темурийлар тарихи давлат музейи директори Н. Ҳабибуллаев, тарих фанлари доктори А. Уринбоев, тарих фанлари номзодлари О. Буриев, Т. Файзиёв ва бошқалар сўзга чиқдилар. Тадбирда «Тановар» рақс театрининг «Темурийлар маликалари» композицияси намойиш этилди.

ХДП Чортоқ туман партия кенгаши, туман маданият бўлими ва «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлими билан ҳамкорликда Учқўрғон тумани далаларида пахта йигим-теримида иштирок этаётган Чортоқ тиббиёт билим юрти талабаларига хордиқбахш тадбир уюштирди. Ҳаширда фаоллик кўрсатаётган ёшларга туман партия кенгашининг эсдалик совғалари топширилди.

Учқўрғон туман партия кенгаши тарғибот ишларини дала шийонларига кўчириб, «Кўгай» ширкат ҳўжалигида «Шу азиз Ватан барчамизники» мавзусида маданий-маърифий тадбир ўтказди.

■ Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

Logo of the Communist Party of Uzbekistan (XDP) with the text 'XDP XАВАРЛАРИ' and 'ШУ КУНЛАРДА'.

Advertisement for ASAKA BANK. Text includes: «АСАКА» БАНК, 2001 йилнинг 1 октябридан касса ҳисоб-китоб хизматлари ва валюта операциялари бўйича тарифларни 30% дан 50% гача камайтиради. «Асака» банк Ўзбекистон молия бозорига 1996 йилдан бери фаолият юритиб, республиканинг ҳақма виллоят ва туман марказларида ўз филиаллари ва бўлимларига эгадир. Жисмоний ва юридик шахсларга миллий ва чет эл валютасида барча банк хизматларини кўрсатмоқда. «АСАКА» БАНК СИЗНИ ҲАМКОРЛИККА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ! МАЪЛУМОТ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР: 120-83-83, 120-81-62, 120-82-98, 120-82-66. Манзил: Тошкент шаҳри, Нукус кўчаси, 67. Банк филиаллари Нукус шаҳри ва барча виллоят марказларида жойлашган.

Advertisement for ASAKA BANK. Text includes: «АСАКА» БАНК, 2001 йилнинг 1 октябридан касса ҳисоб-китоб хизматлари ва валюта операциялари бўйича тарифларни 30% дан 50% гача камайтиради. «Асака» банк Ўзбекистон молия бозорига 1996 йилдан бери фаолият юритиб, республиканинг ҳақма виллоят ва туман марказларида ўз филиаллари ва бўлимларига эгадир. Жисмоний ва юридик шахсларга миллий ва чет эл валютасида барча банк хизматларини кўрсатмоқда. «АСАКА» БАНК СИЗНИ ҲАМКОРЛИККА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ! МАЪЛУМОТ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР: 120-83-83, 120-81-62, 120-82-98, 120-82-66. Манзил: Тошкент шаҳри, Нукус кўчаси, 67. Банк филиаллари Нукус шаҳри ва барча виллоят марказларида жойлашган.

DUSHANBA 29

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.45 «Техношоша» 8.45-17.55 ТВ-маркет...

15.00 «Рэй Бредбери театри» 15.55 «Платино» Домингос...

PAYSHANBA 1

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот» 8.35-17.55 ТВ-маркет...

SHANBA 3

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот» 8.35-17.55 ТВ-маркет...

JUMA 2

20.15 «Тиббиёт одимлари» 20.30 «Ахборот» 21.00 «Ахборот»...

YAKSHANBA 4

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот» 8.35-17.55 ТВ-маркет...

SHANBA 3

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот» 8.35-17.55 ТВ-маркет...

9.40 Кўрсатувлар дастури. 9.45 «Давр тонги» 10.45 Яқинбад кўришунча...

15.00 «Рэй Бредбери театри» 15.55 «Платино» Домингос...

15.00 «Рэй Бредбери театри» 15.55 «Платино» Домингос...

15.00 «Рэй Бредбери театри» 15.55 «Платино» Домингос...

15.00 «Рэй Бредбери театри» 15.55 «Платино» Домингос...

15.00 «Рэй Бредбери театри» 15.55 «Платино» Домингос...

15.00 «Рэй Бредбери театри» 15.55 «Платино» Домингос...

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот» 8.35-17.55 ТВ-маркет...

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот» 8.35-17.55 ТВ-маркет...

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот» 8.35-17.55 ТВ-маркет...

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот» 8.35-17.55 ТВ-маркет...

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот» 8.35-17.55 ТВ-маркет...

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот» 8.35-17.55 ТВ-маркет...

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот» 8.35-17.55 ТВ-маркет...

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот» 8.35-17.55 ТВ-маркет...

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот» 8.35-17.55 ТВ-маркет...

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот» 8.35-17.55 ТВ-маркет...

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот» 8.35-17.55 ТВ-маркет...

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот» 8.35-17.55 ТВ-маркет...

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот» 8.35-17.55 ТВ-маркет...

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот» 8.35-17.55 ТВ-маркет...

ОЛАМДА ДУВ-ДУВ ГАП ЮЛДУЗ ОЗИБ КЕТАДИ

Агар «Аёллар учун энг қийин муаммо нима?» деб сўрашса «сарвиқоматлик» дердим ҳеч иккиланмай...

Актрисанинг таъкиллашича, спектаклдаги муҳаббат «можаро»сига у шунчалар берилбдики...

Маймилик Пити исмли боланинг содиқ дўсти «Барон» ҳақида кўп эшиганди...

«Барон» билан қатнаган. Бола доим «Барон»нинг миниб юрар, бунга кўпроқ ил хоҳларкан...

«ДАРИТАЛ ЛТД» ЎЗБЕКISTON - ИТАЛИЯ кўшма корхонаси

«ДАРИТАЛ ЛТД» ЎЗБЕКISTON - ИТАЛИЯ кўшма корхонаси. Улгурчи харидорлар учун махсулот имтиёзли нархларда сотилади.

